

4. Постановление Совета Министров СССР “О регулирование отдельных видов деятельности кооперативов”. Москва. 1988г.
5. Постановление Президента Республики Узбекистан за № 4716 от 18мая 2020 года “О дополнительных мерах по поддержке владельцев приусадебных земель и обеспечению занятости населения “ Ташкент. № 4716 от 18мая 2020 года
6. Зассен И., Развитие теории кооперации в эпоху капитализма. – М., 1919.
7. Мещеряков Н. Кооперация и социализм. – М., 1920.
8. Навруз-Зода Б.Н., Шомиев Г.У. Исторические предпосылки развития теории человеческого капитала. - Academy, 11 (14). - 2016. С.19-21.
9. Чаянов А.В., Избранные произведения. М.: Московский рабочий, 1989.
10. Чаянов А.В. Краткий курс кооперации. –Москва. 1925. Томск: Кн. Изд-во 1988. - Переиздание.
10. Международная научно-практическая конференция по экономике г.Карши, 3–4 апреля 2020 г. «Феномен рыночного хозяйства: от истоков до наших дней» сборник научных трудов.
11. Международная научно-практическая конференция г.Бухара, 2-3 марта 2022г. «Цифровая трансформация промышленности и сферы услуг: тенденции, управление, стратегии» сборник тезисов.
12. Интернет: Ziyonet.uz

УДК: 330.101.8

Алиқулов Азиз Ҳайдаржонович

ЎЗМУ “Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент”

Кафедрасида таянч докторанти

aziz100792@mail.ru

ИННОВАЦИОН АНТИКРИЗИСЛИ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация Ушбу мақолада корпоратив тузилмаларда инновацион бошқарув тизимини ва янги гояларни шакллантириш, таъкиллий ва услубий асослари ёритилган. Бу асосида корпоратив тузилмаларда инқирознинг юзага келиши босқичларини аниқлаш ҳамда унга қарши инновацион бошқарув чора – тадбирларини ишлаб чиқиш усуллари кўриб чиқилди. Бундан ташқари, инқирозга қарши инновацион бошқарувнинг мазмун ва моҳияти корпоратив тузилмаларда инқирозга қарши инновацион бошқарувнинг замонавий амалиёти тадқиқ қилинди.

Калим сўзлар. инновацион бошқарув, инновацион антикризисли бошқарув, инновация, инновацияларни стратегик бошқаруви, инқирозга қарши бошқарув

POSSIBILITIES OF ORGANIZATION OF INNOVATIVE ANTI-CRISIS MANAGEMENT

Annotation. This article describes the organizational and methodological foundations of forming innovative management systems and new ideas in corporate structures. Based on this, the methods of determining the stages of crisis occurrence in corporate structures and developing innovative management measures against it were considered. In addition, the content and essence of anti-crisis innovation management and the modern practice of anti-crisis innovation management in corporate structures were studied.

Keywords. innovative management, innovative crisis management, innovation, strategic management of innovations, anti-crisis management

1. Кириш

Замонавий бозор шароитида инновацион потенциал ролини етарлича баҳоламайдиган корпоратив тузилма бозорларда ўз позицияларининг заифлашиши билан бир қаторда истеъмолчиларнинг йўқолиши ва фойданинг пасайиши билан дуч келади. Буларнинг барчаси инқирозли вазиятнинг пайдо бўлишига ёрдам беради ва бутун тизимнинг қулашига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги инновацион бошқарув белгиларнинг айримлари ўз табиатига кўра муайян истеъмолчи – бутун жамият учун ўзига хос хизматлар ва корпоратив тузилмаларда хизмат кўрсатувчи давлат секторига ҳам тегишли бўлади. Шундай қилиб, жамият ва давлатнинг ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига кўтарилиш истаги бўлган шароитида инновацион соҳани ривожлантиришнинг корхона сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда инновацион жараёнлар ва лойиҳаларни бошқариш муаммоларининг мумкин бўлган ечимларини излаш инқирозга қарши бошқарувнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланади. Шуни таъкидлаш керакки, инқирозга қарши бошқарувда инновациялар объекти нафақат янги маҳсулотлар ва одатда асосий эътиборга эга бўлган янги технологиялар, балки бошқарувнинг янги усуллари, янги ташкилий тузилмалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Илмий-техника тараққиётининг умумий жадаллашуви, бозорнинг глобаллашуви, рақобатдош устунликлар муддатининг қисқариши билан кечадиган рақобатнинг кучайиши шароитида ривожланишнинг инновацион турига содиқлик муваффақиятнинг асосий омилига айланади. Инновацияларни стратегик бошқариш - бу корхонанинг инқирозга қарши сиёсатининг энг муҳим вазифаси бўлиб, уни амалга ошириш кўп жиҳатдан қабул қилинган инновацион қарорларнинг сифати ва ташкилий, иқтисодий мақсадларга эришиш мумкин бўлган ечимларни топиш ва рақобатбардош маҳсулотларни яратиш қобилиятига боғлиқ.

Бундан ташқари, ўша корхоналар энг катта инқирозга қарши бошқарув жараёнида асосий ролни фақат битта инновациялар эмас, балки узоқ вақт давомида корхонани ривожлантириш учун мўлжалланган кенг кўламли инновацион стратегиялар орқали корпоратив тузилма фаолияти . иқтисодиётидаги инновацион бошқаруви билан янада кучайди, бу инновацияларни яратиш ва жорий этиш жараёнларини назорат қилишнинг кескин пасайиши, молиялаштириш манбаларининг мавжуд эмаслиги, ижодий тадқиқот гуруҳлари фаолиятининг чекланишида намоён бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, инновацион жараёнларни бошқариш муаммоларининг мумкин бўлган ечимларини излаш инқирозга қарши бошқарувнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланиб келмоқда. Шу билан бирга, инновацион жараёнларнинг ривожланиш табиати ва хусусиятлари нафақат умумий иқтисодий вазият, балки инновацион соҳага хос бўлган ривожланиш қонуниятлари билан ҳам белгиланади, уларни ўрганиш инновацион жараёнлар доирасида амалга оширилади. Ҳозирги кунда, инновацион бошқарув ривожланишнинг элементи миллий амалиётда ҳамда умуман жаҳон менежменти тажрибаси ва хусусан, инновацион жараёнлардан самарали фойдаланиш имкониятларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Инновацион жараён маҳсулотнинг ҳаёт айланишининг бир қисми бўлиб, турли босқичларни ўз ичига олади - янги техник ғояни, технологияни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишдан тортиб уни саноатда жорий этиш, уни тижоратлаштириш учун янги маҳсулотни олишгача. Янги маҳсулотларни кенг миқёсда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган инновацион жараённинг якуний босқичи ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш, технологияни такомиллаштириш, ходимларни тайёрлаш, реклама тадбирлари ва бошқаларни талаб қилади. Ушбу босқичдаги ишларни молиялаштириш тадқиқот ва ишланмаларга қараганда сезиларли даражада кўпроқ (тахминан 6-8 баравар) харажатларни талаб қилади. Ушбу харажатларнинг қиймати янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳажмига ҳам боғлиқ. Шу сабабли, янги маҳсулотларга бўлган талаб маркетинг йўли билан шакллантириладиган, ишлаб чиқарилган янги маҳсулот бўйича истеъмолчиларга фикр-мулоҳазалар билдирилиши муҳим аҳамиятга эга. Корпоратив

тузилмаларда инновацион бошқарув - бу янги ташкилий фалсафани, янги корпоратив маданиятни шакллантириш, маркетинг тузилмаларини ҳамкорликка жалб қилиш, ёки маркетинг тадқиқотларини яратиш орқали ишлаб чиқаришни бозорга йўналтириш каби энг муҳим ўзгариш ҳисобланади. Муваффақиятларга эришиш, бунда инновацион фаолият ва янги маҳсулотни жорий этиш инновацион фаолиятни бошқаришнинг узлуксиз жараёни ҳисобланади.

Корхона янги ғояларни излашни, тадқиқотларни, технологияни жадал ривожлантириши ёки инновацион ғояларни мослаштиришни ташкил қилиши керак. Бу ўзгаришларнинг барчасини инновацион имкониятсиз, кадрлар тайёрлашсиз амалга ошириб бўлмайди, яъни ходимларни рағбатлантириш, бошқарув жараёнини тўғри йўлга қўйиш ва малакали кадрларни жалб қилиш зарур. Шундай қилиб, корхонанинг инновацион стратегияга ўтиши бозор муносабатлари ривожланишининг маълум даражасида оқилона бўлиб, кенг тарқалиш билан нафақат инқирозга қарши бошқарув элементларининг самарали ишлашига ёрдам беради, балки тубдан корхона иқтисодий тизимининг характерини ўзгартиради. Инқирозларга самарали жавоб беришга, шунингдек, ривожланган инновацион инфратузилма ҳам ёрдам беради, у ўзининг энг умумий кўринишида пул маблағларини самарали тақсимлаш ва хизматлар кўрсатиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш учун ташкилий, моддий, молиявий, ахборот базаси ҳисобланади. Корпоратив тузилмаларда инновацияларни ривожлантириш, технологиялар трансфери, илмий-техникавий маҳсулотларни йўлга қўйиш ва бозор муносабатларини шакллантириш орқали бошқарувда инновацион инфратузилма яратилади ҳамда инқирозни олдини олиш ёки оқибатларини юмшатувчи муҳит ҳисобланади. Инновацион жараёнлар ва қулай таваккалчилик фаолиятини яратиб, инновацион жараёнлар учун инвестиция механизми вазифасини бажарувчи молиявий ресурсларни жалб қилади. Шунингдек, мазкур бошқарув инфратузилмаси доирасида ташқи омиллар хусусан, фан-технопарклар, бизнес-инкубаторлар, юқори технологиялар марказлари каби соҳалар билан ўзаро ҳамкорлик элементлари сезиларли даражада корхонани ривожлантиради. Корпоратив ташкилотларнинг фаолияти инқирозга қарши бошқарув доирасида инновацион сиёсат муаммоларини ҳал этишга ҳам ёрдам беради. Инқирозга қарши бошқарув механизмларини ўрганиб чиқиб, биз шундай хулосага келдикки, у янги шакллар, усуллар, услублар, бизнес йўналишларини излаш ва фаол фойдаланишдан бошқа асосга эга эмас, чунки замонавий менежментда инқирозли вазиятларда арзон, осон, тез ечимларни инновацион бошқарув қарорлари беради, эски ёндашувлар энди ўзини оқламайди.

2. Адабиётлар таҳлили

Замонавий адабиётларда инновацион жараёнларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий элементи турли мураккабликдаги илмий ишланмаларни амалга оширишни таъминлайдиган ривожланган илмий-техник инфратузилманинг мавжудлиги ҳисобланади. Унинг самарадорлигини давлат сиёсати орқали ошириш мумкин. Инновацион стратегияга ўтишни тақозо этувчи корпоратив тузилмадаги корхоналардан ташқари атроф-муҳит элементлари мажмуаси билан бир қаторда корхонанинг ички муҳитида ҳам бир қатор ўзгаришлар рўй беради.

Бу борада турли олимлар турлича ёндашувларни илгари суришган, хусусан, Россиялик бошқарув мактаби вакиллари ҳам инқирозга қарши инновацион бошқарув ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Т.А. Аверина (2013) таърифига кўра, инқирозга қарши инновацион бошқарув, инновацион технологияларни қўллаш орқали рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишни йўлга қўйиш, инвестицион жозибадорликни таъминлаш, оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, замонавий маркетинг йўналишларини тадбиқ этиш чора-тадбирларини ўзида жамлайди. [1.]

Масалан, (Коротков, 2010) коротковнинг фикрига кўра, инқирозга қарши бошқарув - бу инқироз хавфини олдиндан кўриш, унинг аломатларини таҳлил қилиш ва инқирознинг салбий таъсирини камайтириш ва унинг кейинги ривожланиши учун омиллардан

фойдаланишга эътибор берадиган бошқарув. Шу боис, инновацион инқироз ҳеч кимни тасаввурида ёрқин ижобий ҳодиса эмас, салбий таассуротларни вужудга келтирилиши назарда тутилади.[2.]

Бундан ташқари, бошқа олимнинг фикри талқин қилинган Корол В.С. (2001) Инқирозни бошқаришни компаниянинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ўзгаришларга конструктив жавоб бериш қобилияти сифатида белгилайди.[3.]

Ушбу масала бўйича адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, инқирозга қарши инновацион бошқарувнинг барча муаммолари 5 гуруҳга ажратилиши мумкин:

Тсели (2017) Инқирозга қарши бошқарувдаги, инновациялар одатий инновацияларга қараганда бироз бошқача мақсадга эга. Инновацион бошқарув мақсади инновацион жараёнларни самарали ташкил этиш асосида компанияларнинг узоқ муддатли ишлашини таъминлаш ва инновацион маҳсулотларнинг юқори рақобатбардошлигини таъминлашдир.

Инқироздан чиқиш ва корхонанинг барқарор фаолиятини йўлга қўйиш. Инқирозни бошқаришда инновацияларга эришишни баҳолашнинг асосий мезони корхона фаолиятининг инқирозига олиб келган сабабларга нисбатан барқарорлигидир. Инқирозни бошқаришда инновацияларининг мақсади яъни ўрни катта аҳамиятга эга.[4.]

Йиллар давомида илмий имкониятлар, технологиялар ва технологик такомиллаштиришнинг ривожланиши бир нечта инновацион моделларга олиб келди. Бу моделлар корхонанинг табиати ва макроиктисодий муҳитга қараб фарқланади. Бундан ташқари А.В. Зубков (2010) барча инновациялар қуйидаги турларга бўлинганлигини таъкидлайди: маҳсулот инновацияси, технологик инновациялар, жараён инновацияси, ташкилий инновациялар.[5.]

Маҳсулот инновацияси янги маҳсулотларни яратиш ёки маҳсулотни ишлаб чиқишга боғлиқ. У технологик инновацияларга ҳам мос келади. Чунки янги маҳсулот ишлаб чиқариш янги билим ва технологияларни талаб қилади. Жараён инновацияси ресурсларни тежаш, маҳсулот сифатини ошириш ва маҳсулдорликни оширишга қаратилган. Ташкилий инновациялар корхонани янги босқичга олиб чиқиш ва самарадорликка эришиш учун корхонанинг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Шу билан бирга Қамбаров ва Н.Маҳмудова инновацион менежмент - корхонанинг белгиланган инновацион стратегиясини амалга ошириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, техник ва технологик янгиликларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, режалаштириш, рағбатлантириш, инновацион бошқарувни бошқаришга қаратилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, деб ҳисоблайди. [6.]

Инқирозга қарши бошқаришда инновацияларни жорий этиш корхоналарнинг самарали ишлаши учун ишлатилади. Бундай инновацияларни қуйидагилар деб аташ мумкин:

–бизнес интеллектини яратиш (чекланмаган ахборот шароитида бизнесни самарали ва барқарор ташкил этиш учун корхона фаолиятининг барча турларини бирлаштирувчи инновацион технология);

–бизнес-жараёнларнинг узилишига самарали жавоб берадиган, шу орқали зарарни минималлаштирадиган ва нормал фаолиятни тиклаш харажатларини камайтирадиган инновацион технология бўлган Бизнес узлуксизлигини бошқариш концепсиясини жорий этиш;

Таъкидлаш жоизки Белоус, Е.В(2014) Инқирозга қарши маркетинг стратегиясидан фойдаланиш (эскиларни реконструкция қилиш ва ёки янги маркетинг активларини сотиб олиш: маркетинг тадқиқотлари активлари, бренд капитали, истеъмолчиларнинг содиқлиги) [7.]

Бундан ташқари, Тетиана (2018) нафақат инқирозга қарши кураш воситаси, балки ушбу маҳсулот ёки бозорда ўсиш учун барча имкониятлар тугаса ва янги бизнесни яратиш зарурати туғилганда, корхонанинг потенциал ўсиши манбаи сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Талаб қилинадиган маҳсулотлар ва янада жозибадор бозорларга киради.[8.]

Шундай қилиб, Айвазян З., Кириченко В (2000) инқирозга қарши бошқарув шароитида саноат корхоналарининг инновацион стратегияларидан фойдаланиш вариантларини ишлаб чиқиш долзарбдир. Ривожланаётган инқирозли вазиятларнинг хилма-хиллигига қарамай, инқирознинг қуйидаги босқичларини таклиф қилиш мумкин: самарадорлик ва фойда ҳажмининг пасайиши. Ушбу босқичда мавжуд объектларда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ташқи инвестицияларни (инвесторлар, кредиторлар) излаш ва жалб қилиш стратегиясидан фойдаланиш мумкин.[9.]

Ҳозирги вақтда Алферов В Н.(211)"инновация" тушунчасини талқин қилишда иккита ёндашув энг кенг тарқалган. Шундай қилиб, биринчи ёндашувга кўра, инновация - бу техник ихтирони амалий қўллаш босқичига қадар такомиллаштириш жараёни бўлиб, у иқтисодий самара бера бошлайди. Иккинчи ёндашувга кўра, инновациялар бу жараённинг якуний натижасидир, яъни. тўғридан-тўғри ушбу контсептсиянинг биринчи маъносида инновация жараёни натижасида маҳсулот ёки маҳсулотни тижорат мақсадларида фойдаланиш босқичига олиб келади. Инқирозга қарши инновацион бошқарув - бу замонавий менежментнинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда ташкилот учун ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган корхонанинг бошқарув тизими.[10.]

3.Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда қўлланилган методология корпоратив тузилмаларда инқирозга қарши инновацион корпоратив бошқарув тизимини ва инновацион менежмент имкониятларини такомиллаштириш масалалари ўрганилиб, таҳлил, синтез, ва абстракт-мантикий ва танқидий фикрлаш, ҳамда умумлаштириш усуллардан фойдаланилди.

4.Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги вақтда иқтисодий адабиётларда муаллифлар томонидан "инқирозга қарши" тушунчасидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Менежментнинг бу соҳаси нисбатан ёш, аммо жадал ривожланмоқда. Ушбу мавзуга алоҳида қизиқиш бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитлари, ноаниқлик даражасининг ошиши билан тавсифланади. Бундай шароитда ташкилот ҳаётий циклининг исталган босқичида инқироз ҳодисаларининг пайдо бўлишига дуч келиш имконияти мавжуд.

Корпоратив тузилмаларда инқирозга қарши инновацион бошқарув мақсади инқироз ҳодисаларини башорат қилиш, уларнинг табиати ва юзага келиш эҳтимолини таҳлил қилиш, бошқарувни комплекс ва тизимли ёндашувларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Бундай бошқарув умумий хусусиятларга эга, шу нуктаи назардан, бу кенг маънода инқирозга қарши инновацион бошқарув деб айтишимиз мумкин. Инқирозга қарши инновацион бошқарув - бу инқирозли вазиятнинг юзага келиш эҳтимолини инновацион усуллар орқали башорат қилишга, унинг аломатларини инновацион методлар орқали таҳлил қилишга қаратилган бошқарув фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, у ташкилотни инқироздан олиб чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш ва ундан фойдаланишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ўз ичига олади. Унинг кейинги ривожланиши учун ҳар қайси омилларга йўл очилади. Инқирозга қарши бошқарув - бу узлуксиз ишлайдиган, махсус ташкил этилган корхона бошқарув тизими бўлиб, у махсус объект, мақсадлар ва бошқарув воситаларига эга.

Инқирозга қарши бошқарув объекти - корхонанинг иқтисодий фаолияти жараёнида инқирозли вазиятлар, уларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиш сабаблари, шунингдек уларни бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган ҳаракатлар.

Инқирозга қарши бошқарув субъектлари ўзларига юкланган вазифаларни бажарадиган шахслардир. Буларга корхонанинг эгаси, молиявий директори, инқирозга қарши бошқарувчи ва бошқалар киради.

Замонавий иқтисодиётда инновацияларни бошқаришнинг илмий асослари. Инновацияларни бошқариш - турли соҳаларда инновацияларни яратиш, ривожлантириш ва тижоратлаштириш орқали ташкилотнинг бозордаги рақобатбардош мавқеини

ривожлантириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш мақсадида макро ва микро даражада инновацион жараёнларни рағбатлантириш ва самарали бошқариш механизмларини ўрганадиган фан. Инновацион фаолият объектлари - бу инновацияларни яратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тижоратлаштириш жараёнлари, янги маҳсулотлар, янги технологиялар ва хизматларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш.

Инновацион фаолият янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш билан бир қаторда бозорда инновацияларни самарали илгари суриш, патентлар ва лицензияларни сотиш ва сотиб олиш, билимларни бошқариш ва бошқалар бўйича кенг қўламли ишларни ўз ичига олади.

Корпоратив бошқарувида инновацион жараёнлар шакли, қўлами, характери, туб ўзгаришлар даражаси жиҳатидан хилма-хил ва ҳар хил.

Корпоратив тузилмаларда инновацияларнинг умумлаштирилган таснифида асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Қўллаш хусусияти: озик-овқат, хомашё, технологик, ижтимоий, бошқарув, бозор, комплекс;

2. Ўзгаришлар қўлами: катта, ўрта, кичик;

3. Янгилик даражаси: радикал, тизимли, модификация қилувчи;

4. Илмий билимлардан фойдаланиш даражаси: фундаментал илмий билимларга, амалий тадқиқотларга, ҳар хил турдаги билимлар бирикмасига, маълум технологияга ва бошқаларга асосланган.

5. Бошқарув даражаси: миллий иқтисодий, тармоқ, ҳудудий, корхона даражасида;

6. Таъсир даражаси: нуқтали, тизимли, стратегик;

7. Жараённинг олдинги ҳолатига муносабат: алмаштириш, бекор қилиш, очиш, ретроинновациялар;

8. Мақсад: маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш таннархини камайтириш, сотиш самарадорлиги, янги бозорларни забт этиш ва ҳоказо.

9. Жараённинг шартлари: қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли;

10. Инновацияларга бўлган талаб субъектлари: ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи, бутун жамият ва бозор.

Бундан ташқари, инновацион бошқарув корхоналар энг катта инқирозга қарши бошқарув жараёнида асосий ролни фақат битта корпоратив тузилмаларда эмас, балки узоқ вақт давомида корхонани ривожлантириш, йўналишларини мувофиқлаштириш учун мўлжалланган кенг қўламли инновацион стратегияларни амалга оширади. Инновацион стратегияга ўтишни тақозо этувчи корхонадан ташқаридаги атроф-муҳит элементлари мажмуаси билан бир қаторда корхонанинг ички муҳитида ҳам бир қатор ўзгаришлар зарур.




**1-расм Корпоратив тузилмаларда инновацион бошқарувнинг илмий асослари
ва таснифи¹**

Таклиф этилаётган корпоратив тузилмаларда инновация жараёнининг иштирокчиси-инновацияни амалга оширувчи ва уни ҳаётга тарғиб қилувчи: инновацион ғояси-жамоанинг ўзагини шакллантириш ва корпоратив тузилмаларда инновацион бошқарув шаклида рўйхатдан ўтказиш ва бошқалар.

Янги иқтисодий шароитда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, қарор қабул қилиш жараёни узлуксиз ва чексиз бўлганлиги сабабли, фикр-мулоҳаза жуда муҳимдир. Компанияда инновацион менежментни малакали равишда қуриш, учун менежментнинг ўзига хос хусусиятларини, тушуниши ва инновацион ечимлар, инновацион портфелни режалаштириш қобилиятига эга бўлиши керак.

¹ тадқиқотчи ишланмаси



*ИҚБ-инқирозга қарши бошқарув

2- расм Корпоратив тузилмаларда инқирозга қарши инновацион бошқарув таркибий тузилиши¹


Корпоратив тузилмаларда инқирозга қарши инновацион бошқаришнинг мақсадлари инқироз ҳодисасининг даражасини, унинг бошланиши ҳақидаги сигналларни ўз вақтида аниқлашни, ўз ичига олади. Инқироз юзага келган тақдирда, ташкилотни ундан чиқариш, тўлов қобилиятини тиклаш, бозорда барқарор позицияни таъминлаш ва инқирознинг такрорланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур бўлади.

Корхона учун инқирозли инновацион бошқариш тури 2 хил бўлди яни:

Ташқи омилларга қуйидагилар киради: миллий валютанинг беқарорлиги, сиёсий ва солиқ тизимларининг беқарорлиги, ишсизликнинг кучайиши, табиий офатлар, ички бозор имкониятларининг пасайиши, аҳоли реал даромадларининг камайиши ва бошқалар.

Ички омилларга қуйидагилар киради: маълум етказиб берувчиларга қарамлик, самарасиз молиявий менежмент, маҳсулотларни сотишнинг самарасиз воситалари, субоптимал ишлаб чиқариш технологиялари, малакасиз мутахассислар, маҳсулотларнинг паст рақобатбардошлиги ва бошқалар.

¹ тадқиқотчи ишланмаси



3-расм Корпоратив тузилмаларда Инқирозга қарши инновацион бошқаруvнинг самарадорлик тамойиллари¹

Корпоратив тузилмаларда Инқирозга қарши инновацион бошқаруv муаммоларининг 4 гуруҳи мавжуд:

- 1 Инқироз ҳодисаларини ўз вақтида тан олиш билан боғлиқ муаммолар.
- 2 Ташкилот ҳаётининг услубий муаммолари, шу жумладан молиявий-иқтисодий характердаги муаммолар мажмуаси.
- 3 Инновацион бошқаруv қарорларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ривожланишини прогнозлаш билан боғлиқ муаммолар.
- 4 Инқирозли шароитида малакали кадрларни танлаш ва сақлаш билан боғлиқ муаммолар. Корпоратив ташкилот учун инқирозли вазиятда, ходимлар билан боғлиқ муаммолар туфайли янада оғирлашади. Бундай муаммолар қаторига малакали кадрлар сонининг камайиши, маошдан норозилик билан боғлиқ меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ишни йўқотиш хавфи туфайли ижтимоий-психологик кескинлик киради.

Ҳозирги, шароитдан келиб чиқиб. Инқирозга қарши инновацион бошқаруv дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида бошқаруv жамоасига айрим ходимларни сақлаб қолиш, инқирозни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларга жалб қилиш, ходимлар ишдан бўшатилганда зиддиятли вазиятлар хавфини минималлаштириш вазифани тўғри тaминлаш.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун ходимларнинг мавжуд вазиятни тўғри тушунишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ташкилотни ундан чиқариш бўйича бошқаруv режалари, шунингдек уларни рағбатлантириш керак.

Ҳозирги кунда, корпоратив тузилмаларда инновацион бошқаруv жараёни нафақат янги маҳсулотни ишлаб чиқиш балки салоҳиятни излашни ҳам ўз ичига олади истеъмолчилар, бозор тадқиқотлари, янги маҳсулотлар нархлари. Бошқа сўзлар билан айтганда, асосий нарса нафақат янгиликни тақдим этиш, балки унинг бозордаги талабини аниқлаш. Шу сабабли, бу жараёнлар синхрон бўлиб, инновация бозор томонидан қабул қилинишига ва амалга оширилган инновацион ғоя ўзини топишига ишонч ҳосил қилади.

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида таёрланди

Бу борадаги устувор вазифа мажмуи бўлган корпоратив тузилмаларда инновацион бошқарув тизимни шакллантиришдан иборат. Илмий билимларни ишлаб чиқариш ва рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларнинг янги турларига айлантириш билан шуғулланадиган муассасалар. Ушбу тизимнинг мақсади мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Тажриба шуни тасдиқлайдики, корпоратив тузилмаларда инқирозга қарши инновацион бошқарув тури механизми 6 гуруҳга бўлинади.

1. Иқтисодий, харажатларни қисқартириш, инновацияларни молиялашни рационаллаштириш.
2. Ташкилий - инновацион ғояларни татбиқ этиш.
3. Ижтимоий- инновацион ғоялар таклифи конкурсини амалга ошириш.
4. Интеграцион- корхоналараро тажриба алмашиш.
5. Инновацион молиялаштириш ва инновацион ижтимоий йўналтириш
6. Ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишда инновацион АКТ воситалари хусусан, Бигдате, блокчейн, ДЛТ, Финтечлар билан ишлаш, ахборотларни дифференциаллаш.

5.Хулоса

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб хулоса ва эришилган натижаларни жам қилар эканмиз:

Корпоратив тузилмаларда инқирозга қарши инновацион бошқарув мақсади инқироз ҳодисаларини башорат қилиш, уларнинг табиати ва юзага келиш эҳтимолини таҳлил қилиш, бошқарувни комплекс ва тизимли ёндашувларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Бундай бошқарув умумий хусусиятларга эга, шу нуқтаи назардан, бу кенг маънода инқирозга қарши инновацион бошқарув деб айтишимиз мумкин. Инқирозга қарши инновацион бошқарув - бу инқирозли вазиятнинг юзага келиш эҳтимолини инновацион усулар орали башорат қилишга, унинг аломатларини инновацион методлар орқали таҳлил қилишга қаратилган бошқарув фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, у ташкилотни инқироздан олиб чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш ва ундан фойдаланишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Инновацион фаолият янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш билан бир қаторда бозорда инновацияларни самарали илгари суриш, патентлар ва лицензияларни сотиш ва сотиб олиш, билимларни бошқариш ва бошқалар бўйича кенг қўламли ишларни ўз ичига олади.

Корхона учун инқирозли инновацион бошқарш тури 2 хил бўлди яни:

Ташқи омилларга қуйидагилар киради: миллий валютанинг беқарорлиги, сиёсий ва солиқ тизимларининг беқарорлиги, ишсизликнинг кучайиши, табиий офатлар, ички бозор имкониятларининг пасайиши, аҳоли реал даромадларининг камайиши ва бошқалар.

Ички омилларга қуйидагилар киради: маълум этказиб берувчиларга қарамлик, самарасиз молиявий менежмент, маҳсулотларни сотишнинг самарасиз воситалари, субоптимал ишлаб чиқариш технологиялари, малакасиз мутахассислар, маҳсулотларнинг паст рақобатбардошлиги ва бошқалар.

Корпоратив тузилмаларда Инқирозга қарши инновацион бошқарув муаммоларининг 4 гуруҳи мавжуд:

- 1 Инқироз ҳодисаларини ўз вақтида тан олиш билан боғлиқ муаммолар.
- 2 Ташкилот ҳаётининг услубий муаммолари, шу жумладан молиявий-иқтисодий характердаги муаммолар мажмуаси.
- 3 Инновацион бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ривожланишини прогноزلаш билан боғлиқ муаммолар.
- 4 Инқирозли шароитида малакали кадрларни танлаш ва сақлаш билан боғлиқ муаммолар. Корпоратив ташкилот учун инқирозли вазиятда, ходимлар билан боғлиқ муаммолар туфайли янада оғирлашади. Бундай муаммолар қаторига малакали кадрлар

сонининг камайиши, маошдан норозилик билан боғлиқ меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ишни йўқотиш хавфи туфайли ижтимоий-психологик кескинлик киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Аверина Т.А. Корпоративная культура, её типология и особенности управления / Т.А. Аверина, / Экономика и менеджмент систем управления. 2013. Т. 7. № 1.1. С. 124-134. [1]
2. Korotkov, E. (2010). Antikrizisnoye upravleniye. Moscow: Infra-M.[2]
3. Korol', V. S. (2001). Antikrizoviy menedzhment v umovakh rinkovoi transformatsii yekonomiki. Ternopil': Ternopil's'ka akademiya narodnogo gospodarstva NAN Ukraini.[3]
4. Tseli (2017) i zadachi innovatsionnogo menedzhmenta. (n.d.). Retrieved from Institut upravleniya i otsenki biznesa: <http://investobserver.info/celi-i-zadachi-innovatsionnogo-menedzhmenta/>[4]
5. Зубкова, А.В. Теория антикризисного управления предприятием: учебное пособие / А.В. Зубкова. – Саратовский государственный социально-экономический университет. – Саратов, 2010. – С. 158.[5]
6. Kambarov, Zh.H. Inqirozga qarshi innovatsion mehanizmni takomillashtirish / Zh.H. Kambarov, N.Zh. Mahmudova // Iqtisod va molija. – 2016. – No. 4. – P. 10.[6]
7. Белоус, Е.В. Антикризисное управление: зарубежный опыт и российская практика / Е.В. Белоус, Г.П. Петропавлова // Научный журнал НИУ ИТМО. Серия «Экономика и экологический менеджмент». – 2014. – № 3. – УДК 338.24. P.81.[7]
8. Tetiana, H., Maryna, S., Lidiia, K., Michail, M., & Svetlana, D. (2018). Innovative model of enterprises personnel incentives evaluation. Academy of Strategic Management Journal, 17(3), 1-6. [8]
9. Айвазян З., Кириченко В. Антикризисное управление: принятие решений на краю пропасти. // Журнал «Проблемы теории и практики управления». - 2000.- №4.[9]
10. Алферов Валерий Николаевич. «инновационное антикризисное управление предприятием» издательство «ном». москва, 2011[10].
11. Навруз-Зода Б.Н. Инновационный человеческий капитала как фактор повышения конкурентоспособности на моноуровне. Наука, инновации, общество в условиях цифровой экономики: монография / Под общ. ред. Г. Ю. Гуляева — Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». —2021. —188 с. С:112-122.

УДК 334.7

Салихов Саидамир Алишер ўғли

ТДИУ катта ўқитувчиси
saidamir.solihov@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИДА КОРПОРАТИВ ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Йўналишлари

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳонда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортида корпоратив логистик тизимларни самарали ташкил этиш мамлакат ва миллий товар ишлаб чиқарувчилари учун афзаллик ва имкониятлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш стратегиясини ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг жаҳон озиқ-овқат бозорларида тутган ўрни ва эгаллаган улуши ўрганилган

Калит сўзлар: Ўзбекистоннинг аграр сектори, мева – сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш саноати, мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялаш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Аннотация. В данной статье изучается эффективная организация корпоративных логистических систем при экспорте плодоовощной продукции в мире, преимущества и